

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1505-ҳадис**

1505 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ إِنِّي
أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُوعِ؛ فَإِنَّهُ يَمْسَسُ الصَّجِيْعَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخِيَانَةِ؛ فَإِنَّهَا يَمْسَسُ الْبِطَانَةَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ
بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ [1547].

1505. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим, иннии аъузузу бика минал жууъи, фаиннаҳу би'сад-дожийъу, ва аъузузу бика минал хийаанати, фаиннаҳу би'сатил-битона», дер эдилар.

* Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан очликдан паноҳ тилайман, чунки у энг ёмон ёстикдошдир ва хиёнатдан паноҳ тилайман, чунки у энг ёмон сирдошдир».

Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилдилар.

Шарҳ: Расули Акрам бу дуода биринчи очликдан Аллоҳ номи билан паноҳ сўрамоқдалар. Кейин эса, бу ҳолат инсонни касал қилиб тўшакка ёткизиб қўядиган ва ҳатто ўлимга ҳам олиб борадиган ёмон бир ҳолат эканлигини айтмоқдалар. Ортиқ даражада очлик инсоннинг ақлини ҳам заифлатгани учун инсон ақлига ёмон фикр ва ҳаёллар ҳам келиши мумкин. Бунинг натижасида инсон диний вазифаларини ташлаб қўйиши мумкин. Пайғамбар алайҳиссалом икки кунни улаб рўза тутган ҳолда «совмул висол» деб аталган рўзани умматларига тақиқлаганларининг сабаби ҳам шундадир.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хиёнатдан, яъни инсонларнинг ва Аллоҳнинг омонатларига хиёнат қилишдан паноҳ сўрамоқдалар. Инсонларнинг бир-бирларининг омонатларига хиёнат қилишнинг ёмон эканлигини билдирмоқдалар. Жаноби ҳақнинг омонати эса: «Албатта, Биз бу омонатларни осмонларга, ерга ва тоғга такиф қилдик.

Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта солим ва ўта жоҳилдир» (Аҳзоб сураси, 72-оят) оятида айтилган илоҳий буйруқ ва тақиқларнинг барчасидир. Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг омонатиға хиёнат қилмаслиғига кўра, умматиға ҳам хоинликнинг ёмонлиғини ва бундан сақланиш кераклиғини ўргатмоқдалар.

Манба: hadis.islom.uz

